

Akmalkhan AKMALKHANOV,
PhD of the International Islamic Academy of Uzbekistan
akmalxon.973@gmail.com
Tashkent, Uzbekistan
+998909739224

АБУ ЯЪҚУБ САККОКИЙНИНГ ФЕЪЛЛАРДАН ЯСАЛГАН СЎЗЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

ВЗГЛЯДЫ АБУ ЯКУБА САККАКИ ОБ ОТГЛАГОЛЬНЫХ СЛОВАХ

ABU YAKUB SAKKOKIY'S VIEWS ABOUT VERB WORDS

Калит сўзлар: ҳаракат номи, аниқ нисбат сифатдоши, мажхул нисбат сифатдоши, сифат, орттирма даражадаги сифат, ўрин ва пайтни билдирувчи исм, иш қуроллари оти, иштиқоқ.

Ключевые слова: масдар, причастие действительного залога, причастие страдательного залога, прилагательное, прилагательное превосходной степени, имя места и времени, паттерны имен орудия.

Key words: participle, active voice participle, passive voice participle, adjective, adjectives in superlative degree, ecalp a sloot eht fo seman ,sdrow emit a dna.

Абу Яъқуб Саккокий “Мифтаху-л-улум” асарининг “Иккинчи бўлим”и (“الصنف الثاني”) да феълдан ясалган исмларнинг шакллари (“هيئات الأسماء المتصلة”) ҳақида фикр юритилади. Ушбу бўлимда муаллиф феълдан ясалувчи ҳар бир сўзга ўзига хос бўлган принцип асосида ёндашиб, уларни алоҳида фаслларга ажратади. Бундай сўзлар саккизта туркумга оид эканлиги таъкидланади. Бу ҳақда “Иккинчи бўлим саккизта фаслни қамраб олади” деб ёзади олим [1; 52 б.].

Бундай сўзлар саккизта туркумни қамраб олганлигини Маҳмуд Замахшарий ҳам таъкидлаб ўтган. У шундай ёзади:

الأسماء المتصلة ثمانية أسماء: المصدر، اسم الفاعل، اسم المفعول، الصفة المشبهة، اسم التفضيل، أسماء الزمان والمكان، اسم الآلة.

“Феъл билан боғлиқ сўзлар саккизта бўлиб, улар: ҳаракат номи, аниқ нисбат сифатдоши, мажхул нисбат сифатдоши, мушаббаҳа сифат, орттирма даражадаги сифат, ўрин ва пайтни билдирувчи исм, иш қуроллари оти таъкидланади” [2; 173 б.].

Феълдан фарқли ўлароқ масдар бир ҳодисани

ифодалаб келади, деб ҳисобловчи Басра тилишунос-лик мактаби намояндалари фикрига кўра, масдар сўз ясаилишининг асли бўлиб, ундан қуйидаги тўққизта туркумдаги сўзлар ҳосил қилинади: феъл, ҳаракат номи, аниқ нисбат сифатдоши, мажхул нисбат сифатдоши, мушаббаҳа сифат, орттирма даражадаги сифат, ўрин ва пайтни билдирувчи исм, иш қуроллари оти [3; 87 б.].

Саккокий “Мифтаху-л-улум” иккинчи бўлимининг биринчи фаслини “Ҳаракат номининг шакллари ҳақида” (“الفصل الأول في هيئات المصادر”) деб номлайди. Олим ушбу мавзу доирасида кўпроқ илмий хулосаларга таяниб, қуйидаги фикрларни билдирган: “Зиёдалардан холи бўлган уч ундошли ўзак феълларнинг масдар шакллари кўп бўлиб, аниқ сони йўқ”. Бу ўринда у феъллар ичида энг мураккаб ҳисобланувчи зиёдадан холи уч ундошли ўзак феъл масдар шакллари сони жуда кўп эканлигини таъкидлаб, шу турдаги феълнинг яна бир мураккаб ўзгачалиги бўлган “иккинчи ўзак ундош ҳаракати”-ни масдар шаклларига боғлайди. Жумладан, “Агар ўтимсиз феъл бўлиб, ҳозирги-келаси замонда ўрта ундош ҳаракати “fatha” [a] бўлса, ҳаракат номи فعول вазнида (رَكَعَ – “руку қилди”) ҳозирги-келаси замон шакли يركع، бундан ҳаракат номи эса ركوع – “руку”), феълнинг ҳозирги-келаси замонда ўрта ўзак ундош ҳаракати “kasra” [i], ўтимли бўлса, ҳаракат номи فعل шаклида, ўрта ўзак ундоши “damma” [u] бўлса، فعالة шаклида ҳосил бўлади”. Келтирилган ушбу маълумотда олим феълнинг морфологик хусусияти билан бирга семантик хусусиятига ҳам эътибор қаратилиши кераклигини таъкидлаган эди.

Сибавайҳининг “Ал-Китаб” (4; 4-жуз, 5- б.), Ибн Саррожнинг “Ал-усул фи-н-наҳв” (5; 3-жуз, 86-б.), Абу Қосим Зужажийнинг “Ал-жумал фи-н-наҳв” [6; 383 б.], Али ибн Исмоилнинг “Ал-мухасас” (7; 14-жуз, 216-б.), Ибн Қобсийнинг “Ат-та-тиммату фи-т-тасриф” [8; 218 б.], Ибн Яъишнинг “Шарҳ ал-муфассал” (9; 2-жуз, 43-б.), Ибн Усфурнинг “Ал-муқарриб” (10; 2-жуз, 130-б.), Ибн Моликнинг “Шарҳ умдат ал-ҳафиз” (11; 2-жуз, 711-б.), Солиҳ Абдуазимнинг “Ал-кофияту ва-ш-Шаффияту ли Ибн ал-Ҳажиб” [12; 66 б.], Абу Ҳайян Андалусийнинг “Иртишаф ад-дарб” (13; 2-жуз, 483-б.), Баҳауддин ибн Ақилнинг “Ал-мусаъид ала тасҳил ал-фаваъид” (14; 2-жуз, 618-б.), Жалолиддин Суютийнинг “Ҳамиъу ал-ҳавами” (15; 2-жуз, 48-б.) асарларида феълнинг семантик хусусиятидан келиб чиқиб, баъзи вазнлар келтирилган. Улар масдар шакллари кўп бўлган уч ундошли ўзак, зиёдадан холи феълларга тегишлидир. Булар:

1. Феъл ҳунар ёки бошқарув соҳасини ифодаласа, унинг масдари فعالة вазнида бўлади: زرع –

Мақолада араб тилида феълдан ясалувчи сўзлар ҳақида ёзилган. Бу мавзунинг илмий таҳлили ўрта асрларда яратилган тилшуносликнинг таянч манбалари асосида амалга оширилди. Мақолада XII асрнинг машҳур тилшуносларидан бири Абу Яъқуб Саккокийнинг ушбу мавзунинг ёритиш услуби тадқиқ этилди. Араб тилшунослигида сўз ясалишига асос борасида икки хил қараш бўлиб, бу илмий тортишув икки катта мактабга бўлинади. Бу иккиси Басра ва Куфа тилшунослик мактабларидир. Басра мактаби сўз ясалишида асос феъл деб таъкидлайдиган бўлса, Куфа мактаби вакиллари ҳаракат номи деб айтадилар. Абу Яъқуб Саккокий Басра мактабининг қарашларини ёқловчи тилшунослардан ҳисобланади. Бунинг ёркин далили “Феълдан ясалувчи сўзлар” мавзусининг берилишидир. Олимнинг “Мифтаҳу-л-улум” асари ҳозирги кунимизгача аҳамиятини йўқотмаган тилшуносликнинг таянч манбаларидан ҳисобланади. “Мифтаҳу-л-улум” асарининг “Иккинчи бўлим”и (“الصنف الثاني”) да феълдан ясалган исмларнинг шакллари (“هينات الأسماء المتصلة بالأفعال”) ҳақида фикр юритилади. Феълдан ясалувчи сўзлар: ҳаракат номи, аниқ нисбат сифатдоши, мажхул нисбат сифатдоши, сифат, орттирма даражадаги сифат, ўрин ва пайтнинг билдирувчи исм, иш қуроллари отлари ҳисобланади.

Мақолада ушбу отларнинг ясаилишидаги морфологик жараёнлар, ясаилиш жараёнидаги фонетик ўзгаришлар таҳлил қилинди. Бу ясалувчи сўзларнинг вазнлари (морфологик қолипи) келтирилди. Феъл бобларининг вазнларига тўхталиниб, улардан ясалувчи сўзларнинг ҳар бирининг вазнлари баён этилди. Кам қўлланиладиган вазнлар, уларнинг семантикаси машҳур тилшунослик асарлари асосида ўрганилди. Ясаилиш жараёнида ҳарфларнинг иштироки, уларда бўладиган фонетик-морфологик ўзгаришлар таҳлил қилинди.

В данной статье рассматриваются вопросы словообразования в арабском языке, в частности слова, образованные от глаголов: масдар, причастие действительного залога, причастие страдательного залога, прилагательное, прилагательное превосходной степени, имя места и времени, паттерны имен орудия, их синтаксические функции. Научный анализ этой темы был основан на средневековых лингвистических источниках. В частности, статья специально посвящена одному из самых выдающихся лингвистов двенадцатого века Абу Якубу Саккоки и его методу освещения этой темы. Есть два различия в основах словообразования в арабской лингвистике, и эта научная дискуссия разделена на две основные школы. Эти школы являются лингвистическими школами Басры и Куфы. В то время как школа Басры подчеркивает глагол в словообразовании, представители куфийской школы говорят, что это название движения. Абу Якуб Саккоки – лингвист, оппонировавший взглядам школы Басры. Яркой иллюстрацией этого является тема “Слова с особенностями”. Произведение ученого “Мифтаху-л-улум” является одним из главных источников языкознания, который не потерял своего значения до сегодняшнего дня. Вторая глава книги “Мифтаху-л-улум” относится к формам существительных глагола.

This article discusses the words formed from the verb in Arabic. The scientific analysis of this topic was based on medieval linguistic sources. In particular, the article informs about the approach of Abu Ya'qub Sakkoki, one of the prominent linguists of the twelfth century, in the way he covered this topic. There are two differences in the basics of word formation in Arabic linguistics, and this scientific discussion is divided into two main schools. These are the two linguistic schools of Basra and Kufa. While the Basra school emphasizes the verb as a base in word formation, representatives of the Kufa school say that this is the participle. Abu Yakub Sakkoki is a linguist who represses the views of the Basra school. A vivid illustration of this is the theme “Words formed from the verbs”. The work of the scientist “Miftahu-l-ulum” is one of the main sources of linguistics, which has not lost its significance to this day. The second chapter of the book “Miftahu-l-ulum” refers to the verb forms of the nouns. Verb noun words: participle, active voice participle, passive voice participle, adjective, adjectives in superlative degree, a place and a time words, names of the tools. The article analyzes the morphological processes associated with the formation of these nouns, and the phonetic changes in the word formation. The metre of these words)morphological frame(is shown. It is dwelled on the verb units, and the metre of the each word formed from them. Not common metres, and their semantics have been studied from popular linguistic works. Usage of letters in word formation and phonetic-morphological changes were analysed.

(“деҳқончилик қилди”) زراعة – (“деҳқончилик қилиш”), أمر – (“амирлик қилди, буюрди”) إمارة – (“буюриш, амирлик қилиш”).

2. Феъл ҳаракат ва ҳодисаларни ифодаласа, унинг масдари فعلان вазнида бўлади: غلى – (“қайнади”) غليان – (“қайнаш”), ثار – (“тўс-тўполон кўтариши”) ثوران – (“тўс-тўполон кўтариш”).

3. Феъл ҳаракатланишни ифодаласа, унинг масдари فعيل вазнида бўлади: رحل – (“жўнади”) رحيل – (“жўнаш”), دب – (“эмаклади”) دب – (“эмаклаш”).

4. Феъл норозилик муносабатини ифодаласа, унинг масдари فعال вазнида бўлади: أبى – (“қаршилиқ қилди”) إباء – (“қаршилиқ қилиш”), جمع – (“ўжарлик қилди”) جماع – (“ўжарлик қилиш”).

5. Феъл бирор касаллик билан оғришни ифодалаб, فعل бобидан бўлмаса, унинг масдари فُعَال вазнида бўлади: زكم – (“шамолламोक”) زكام – (“шамоллаш”), سعل – (“йўталмок”) سُعال – (“йўталиш”). Агар فعل бобида бўлса, унинг масдари فَعْل вазнида

бўлади: *ورم* – (“шишган бўлди”) – *ورم* (“шишган”), *وجع* – (“оғримок”) – *وجع* (“оғрик”).

6. Феъл овоз чиқариш билан боғлиқ бўлса, унинг масдари *فعل* ёки *فعل* вазнларидан бирида бўлади: *نهق* – (“ханграмоқ”) – *نهق* (“ханграш”), *ضج* – (“кичкирди”) – *ضج* (“кичкириш”).

7. Феъл ранг-тус билан боғлиқ ҳолатни ифодаласа, унинг масдари *فُعلة* бўлади: *حمر* – (“қизарди”) – *حمر* (“қизариш”), *صفرة* – (“сарғайди”) – *صفرة* (“сарғайиш”).

Масдарни семантик жиҳатдан уч турга бўлиш мумкин:

1. Умумий масдар (*المصدر العام*) – ўзи ҳосил бўлган феълнинг барча ўзак ҳарфларини қамраб олиб, ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди (16; 3-жуз, 399-бет). Масалан: *جلس* – “ўтирди” феълидан *جلوس* – “ўтириш” масдари. Ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш билан бир қаторда уларни номлаш хусусиятига эга бўлган, шунингдек, баъзи ҳарфлари (зиёда ёки асл ҳарфлари)дан холи бўлган масдарлар *المصدر* “масдар номи” деб аталади. Масалан: *والله أنبتكم من الأرض نباتا* – “Аллоҳ сизларни ердан ўстириб чиқаради” (“Нух” сураси, 17-оят). Феъл *أنبت*, масдар номи *نبات* (“ўстириш”) (17; 1-жуз 142-бет).

2. Бир марталик масдар (*اسم المرة*) – феълдан англашилган ҳаракат ва ҳодиса бир марта содир бўлишини ифодалайди. Бунинг вазни: *فعل*. Бу вазн зиёдадан холи уч ундошли ўзак феъллар учун тегишли бўлиб, қолган феъллар учун умумий масдарнинг охирига муаннаслик *ة* “*tā*” сини қўшиш орқали ҳосил қилинади (18; 2-жуз, 772-бет). Масалан: *فنظر نظرة في النجوم* – “У юлдузларга бир назар солди” (“Софат” сураси, 88-оят).

3. Шакл ва сифат масдари (*مصدر الهيئة*) – феълдан англашилган ҳаракат ва ҳодиса қандай амалга ошганлигини ифодалайди. Ушбу масдар вазни: *فعل* *وإذا ذبحتم فأحسنوا الذبحة* (7; 14-жуз, 191-бет). Масалан: *وإذا ذبحتم فأحسنوا الذبحة* – “Жонлиқ сўядиган бўлсангиз, сўйишини осон ҳолда қилинг” (19; 4-жуз, 16-бет).

Морфологик жиҳатдан масдарни икки турга бўлиш мумкин:

1. *المصدر* (*المصدر*) вазнида ясалувчи масдар (*مفعّل*, *مفعّل*). Бундай масдар тури зиёда ҳарф бўлган “мим” билан бошланади (20; 1-жуз, 233-бет). Бунга мисол: *ضرب* – “урди” феълидан ушбу турдаги масдар *مضرب* – “уриш”.

2. Ясама масдар (*المصدر الصناعي*) – сўзнинг охирига ташдидли «*uā*» ва муаннасликни ифодаловчи *ة* “*tā*” қўшиш орқали ясалади (21; 1-жуз, 126-бет). Бу қўшимча қўшилган сўз ўзакнинг белги, хусусиятини ифодалайди. Бунга мисол: *إنسان* – “инсон” – “инсоният”.

Саккокий уч ундошли ўзаклар ҳақида ёзганидан кейин ўзининг принципи асосида феълларни

тартиблаб, зиёда ҳарфдан холи бўлган тўрт ундошли ўзакларнинг масдар шакллари ҳақида: “Тўрт ундошли ўзак феълларнинг ҳаракат номи шакли иккита бўлиб, улар *فعل* ва *فعل* ҳисобланади” [1; 52], дейди. Бундай феълларнинг морфологик тузилишига эътибор қаратиб, бир ҳарфи икки марта қўлланган феълнинг (*فعل* – “силкинди”) масдар шакли *فعل* вазни билан бир қаторда *فعل* да (*فعل* – “силкинув”) ҳам ясалишини ёзади.

Феълларнинг масдар вазнлари ҳарфлар сонига кўра бир-биридан фарқ қилади. Биринчи уч ундошли, зиёда ҳарфлардан холи феълларнинг масдарлари жуда кўп эканлиги Саккокий томонидан айtilди. Бу борада уларнинг шакли қирқдан ортиқ деб ҳисобловчи тилшунослар кўпчиликти ташкил этади. Маҳмуд Замахшарий уч ундошли, зиёда ҳарфлардан холи феълларнинг 32 та вазни бор эканлигини Сибавайҳидан нақл қилади [2; 174 б.].

Саккокий зиёдадан холи феълларнинг масдар вазнларини айтгач, биринчи бўлиб, “*hamza*” ҳарфи зиёда қилинган *أفعل* бобидаги феъл масдарига тўхталиб ёзади: “Ушбу бобидаги феълнинг масдари *إفعل* вазнида ҳосил бўлади. Ажваф феъл (ўзакнинг иккинчи ундоши “*vāv*”, “*yā*” бўлган феъл. “*Alif*” икки ҳарф ўрнида алмашиб ҳам келади) бўлса, *إفالة* вазнида ҳосил бўлади” [1; 52 б.]. Бу ўринда олим масдар ҳосил қилишнинг оддий жараёнидан мураккаб жараёнига ўтиб, ўзакнинг иккинчи ҳарфи иллатли феълларга тўхталмоқда. Бу вазндаги феъллар ўзагининг биринчи ҳарфи иллатли бўлгани ҳам бор. Олим бунга тўхталмагани номаълум. Бу турдаги феъл масдарларида иллатли ҳарф “*hamza*” ҳаракатига мос бўлган чўзиқ унлига алмашади. Масалан: *أوصل* – (“етказди”) масдари *إوصل* эмас, *إيصال* – (“етказув”).

Ўзакнинг иккинчи ундоши иллатли бўлган ушбу боб феълнинг масдар шакли *إفالة* бўлиб, бу вазндаги *ة* “*tā*” тушириб қолдирилган иллатли ҳарф бор эканлигини билдиради. Бу ҳодиса “*عوض*” – (“эваз”) деб номланиб, унда тушириб қолдирилган иллатли ҳарф ўрнига *ة* “*tā*” келади [22; 304 б.]. Саккокий буни изоҳлаб дейди: “Агар ўзакнинг иккинчи ҳарфи иллатли бўлса, феълдаги ва вазндаги “*alif*” келиб, иккита сукун (ҳаракатсизлик – икки ундош унлисиз келиш ҳодисаси) жамланиб қолади. Феъл таркибидаги “*alif*” тушириб қолдирилади” [1; 52 б.]. Масалан: *أقام* – (“тўғрилади”)нинг асли *أقوم* аввалги шаклга ўзгариши иллатли ҳарфга унли оғирлик қилганлиги учун масдари *إقوم* эмас, олим таъкидлаганидек, *إقامة* (“тўғрилаш”)дир.

Ушбу бобда ва қолган айрим бобларда ўзакнинг учинчи ундоши иллатли ҳарф бўлса, у “*hamza*”га ўзгаради. Бу “Иллатли ҳарфларнинг “*hamza*”га ўз-

гариши” (“قلب حروف العلة إلى الهمزة”) деб номланади [22; 334 б.].

Саккокий кейинги боб феъллари масдарларининг вазнларига тўхталиб, қуйидагиларни ёзган эди:

Ўзакнинг иккинчи ундоши иккиланган **فعل** феъл бобининг масдар вазнлари **تفعلة**, **تفعيل** бўлиб, баъзан **فعال** вазнида ҳам келади.

Ўзакнинг учинчи ҳарфи иллатли бўлган (бу турдаги феъл “ناقص” – “ноқис”) деб номланади) ушбу бобдаги феълнинг масдари ҳосил қилинганда, иллатли ҳарф туширилиб, ўрнига **ة** “tā” келади. Масалан: **سمى** – “номлади” (**تسمية** – “номлаш”). Бундан билиб олиш мумкинки, олим келтирган **تفعلة** вазни ушбу турдаги феъллар учун ҳосилдир.

Биринчи ўзак ундошдан кейин “alif” зиёда қилинган **فاعل** феъл бобининг масдар вазнлари **فعال**, **فعال** бўлиб, баъзан **فيعال** вазнида ҳам келади. Ушбу масдар вазнларидан **مفاعلة** ўзакнинг биринчи ундоши “uā”дан иборат феъллар фақат шу вазнда ҳосил қилинади [3; 91 б.]. Бу бобнинг ноқис феъллари учун ҳосланган вазн **فعال** бўлиб, иллатли ҳарфи “hamza”га алмашади.

Ўзакнинг биринчи ундошдан аввал “tā’un” (ت) зиёда қилинган **تفعّل** феъл бобининг масдар вазни **تفعّل** бўлиб, баъзан **تفعّل** вазнида келади. Ушбу бобнинг ноқис феълларида иллатли ҳарф тушиб қолиб, охириги ундош “kasra” [i] билан келади (касрланади).

تفاعل феъл бобининг масдар вазни бўлади.

انفعال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

افتعال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

استفعال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

Ўзакнинг биринчи ундоши “vāv” ёки “uā” бўлса (бундай феъллар “مثال” – “тўғрига ўхшаш” деб номланади), масдар вазнида иккала иллатли ҳарф чўзиқ “kasra” [i] га ўзгаради.

Ажваф феълларда **استفعالة** вазнида ҳосил бўлиб, иллатли ҳарфи тушиб қолади.

Ноқис феълларда иллатли ҳарф “hamza”га ўзгаради.

افعيال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

افعال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

افعال феъл бобининг масдар вазни бўлади.

Ушбу бобдаги ва бошқа бобдаги феълларнинг иккиланганлари (ташдидли) ёйилади ва бу “فك الإدغام” – “ташдид ёйилиши”) деб номланади.

تفعّل феъл бобининг масдар вазни бўлиб, **افعلنال** бобиники эса, **افعلنال** бўлади.

افعلنال феъл бобининг масдар вазни бўлади [1; 52 б.].

Олим юқорида келган “hamza”ли боблар ҳақида дейди: “أفعل бобидан бошқа барча феъл бобларининг биринчи ҳарфи бўлган “hamza” васлалидир. Исмларда ўнта сўзгина васлалди “hamza” билан бошланади. Булар: اسم – “ном”, است – “орқа тешик”, امرأ – “эркак киши”, اثنان – “икки”, ابن-ابنم – “аёл”, ائمتان – “Аллоҳ номи билан қасам ичиш”) [1; 54 б.].

Масдар вазнлари хусусида сўз юритар экан, олим шундай ёзган эди: “فاعِلٌ ва **فَعِيلٌ** ҳаракат номи шакллари маънони кучайтириш мақсадларида қўлланади” [1; 53 б.]. Саккокийнинг бу фикрини Маҳмуд Замахшарий ҳам қўллаб-қувватлаган [2; 178 б.].

Аниқ нисбат сифатдоши (اسم الفاعل) феълдан ҳосил бўлувчи сўз ҳисобланиб, Саккокий баёнида бу мавзу анча қисқа. Бу сўз иш-ҳаракат бажарувчи (**العدو حاقِدٌ** – “душман нафратланувчидир”), узок муддат давом этадиган иш-ҳаракат бажарувчиси (**فإن الله غفور رحيم**) ифодалайди (“Дарҳақиқат, Аллоҳ гуноҳларни кечиргучи ва раҳм қилувчидир”). “Бақара” сураси, 192-оят).

Саккокий ўзаги уч ундошли феъллардан **فاعل** вазнида ҳосил бўлиши, шунингдек, маънони кучайтиришда **مفعال**, **فعول**, **فعال** шакллари қўлланишини айтади. Машҳур тилишунослардан Ибн Ҳишом Ансорий Саккокий фикрига қўшимча равишда аниқ нисбат сифатдоши айрим ҳолатда **فعل** ва **فعل** вазнларида ҳам келишини айтади [23; 271 б.]. Шунингдек, қолган феъл бобларида бу шаклни ҳосил қилишнинг осон усули бор эканлигини ёзиб, у ҳозирги-келаси замон шаклларидаги олд замон қўшимчалари ўрнига унлиси “damma” [u] бўлган “mīm” ҳарфини қўйишни, учта: **يتفعّل**, **يتفاعل**, **يتفعّل** бобларида охириги ундошдан олдин “kasra” [i] келишини айтган эди.

Қуйида келтирилган сўзлар умумий қоидадан ташқаридир:

1. **ألحقت الريح السحاب** – “Шамол булутни келтирди”), “келтирувчи” **ملحق** эмас, **لاحق** дир. (**وارسلنا الرياح** – “Шамолларни келтурувчилар этиб юбордик” “Ҳижр” сураси 22-оят).

2. **أعشب المكان** – “Ўт босиб кетди”), “ўт босиб кетган” **عاشب** эмас, **عاشب** дир.

3. **أورس الرمث** – “Римс (ўсимлик) кўпайиб кетди”), “кўпайиб кетувчи” **مورس** эмас, **وارس** дир.

4. **أيفع الغلام** – “Бола катта бўлди”), “катта бўлувчи” **موقع** эмас, **يفاع** дир.

5. **أحصن الرجل** – “Эркак киши ҳимоя қилди”), “ҳимоя қилувчи” **محصن** эмас, **محصن** дир.

6. **ألفج الرجل** – “Киши қашшоқлашди”), “қашшоқлашувчи (факир)” **ملفج** эмас, **ملفج** дир.

7. **أسهب المتكلم** – “Сўзловчи кўп гапирди”), “кўп гапирувчи” **مسهب** эмас, **مسهب** дир [24; 49 б.].

Бу сифатдош иш-ҳаракатда давомлилик маъносига эга (طال – “узун бўлмоқ”) قصر – “қисқа бўлмоқ”) [25; 23 б.], бир шаклидан бошқа шаклга эга бўлмаган (الفعل الجامد) феъллардан (نعم – “қандай яхши бўлди”; بنس – “қандай ёмон бўлди”) ҳосил бўлмайди (26; 1-жуз, 62-бет).

فعل бобидаги عفر – “бепушт бўлмоқ”) феълдан عفرت المرأة – “Аёл бепушт бўлди”) “бепушт аёл” عاقرة эмас, عاقر бўлади (27; 4-жуз, 383-бет).

Саккокий иллатли феълларнинг аниқ нисбат сифатдоши ясаилишидаги фонетик-морфологик ходисалар ҳақида тўхталмаганлигининг сабабини айтмайди. Иллатли феъллардаги ўзгаришлар вазнлар ҳамда ундаги ҳарфлар билан боғлиқдир. Бу ўзгаришлар ушбу тил соҳасининг асосий манбаларида батафсил ёритилган.

Юқорида келтирилган فاعل вазни ўзаги уч ундошли, зиёда ҳарфдан холи солим феъллардан (“hamza”, иккита бир хил ҳарф, “vāv”, “yā”, “alif” бўлмаган) ҳосил қилинади. “Hamza”ли ва иллатли феъллар ҳам шу вазн асосида ҳосил қилинади, бироқ баъзи бир морфологик, фонетик ўзгаришлар содир бўлади.

“Hamza” ўзакнинг биринчи ундоши бўлиб келса, икки “alif” бирлашиб, ا “madd” ҳосил бўлади (أخذ – “олди”; أخذ – “олувчи”). Ўзакнинг иккинчи, учинчи ундоши “hamza”ли бўлса, уларда факат имловий ўзгаришлар кузатилади.

Тўғрига ўхшаш феълларда бундай ўзгаришлар кузатилмайди. Ўзакнинг иккинчи ундоши иллатли феълларда ҳарфлар алмашинуви ходисаси (قلب) содир бўлади. Бу ўринда иллатли ҳарф (“vāv”, “yā”) “hamza”га алмашади (هو قائم يصلي في) فنادته الملائكة و – Унга меҳробда намоз ўқиб тургувчи бўлганида дедилар. “Оли Имрон” сураси, 39-оят). Ушбу оятдаги قائم сўзининг асли قاوم бўлиб, иллатли ҳарфда қалб ходисаси содир бўлган.

Ўзакнинг учинчи ундоши иллатли феълларда иллатли ҳарфи “yā” бўлса, ушбу ҳарф вазнга солинганда ҳам сақланиб қолади. Бу ўринда “унлилар иллатли ҳарфга оғирлик қилиши” ходисаси (استتقال) содир бўлади. Масалан: بالكي – “(йиғлади)” (йиғловчи) ҳосил қилинган сўзнинг вазндаги мос шакли بالكي، лекин استتقال ходисаси сабабли иллатли ҳарф танвин ололмайди. Агар иллатли ҳарф “vāv” бўлса, аслини йўқотиб, у ҳам “yā”га қалб бўлади: دننا – “(яқинлашди)” вазндаги мос шакли دانن، лекин юқоридагидек، الداني (“яқинлашувчи”) бўлади. “Ал” артикли қўшилган шаклида қаратқич, аниқловчи, танвинланмаган, тушум келишиги бу каби ҳолатларда иллатли ҳарф “vāv” ёки “yā” бўлса ҳам, “yā”га қалб бўлиши (من يهد الله فهو المهتدي) “Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, ўш ҳидоят топувчидир”. “Аъроф” сураси, 178-оят), у қўшилмаган шаклида

иллатли ҳарф тушиб қолиши (كل من عليها فان) “Унинг (ер) юзидаги ҳар бир жон ўтгувчидир”. “Раҳмон” сураси, 26-оят) эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар ҳисобланади (5; 4-жуз, 183-бет; 28; 1-жуз, 21-бет, 29; 4-жуз, 309-бет).

Тўхташ وقف коидасида “ал” алтиклини олмаган шаклида тушириб қолдирилган иллатли ҳарфни қайтарган ҳолда ўқилади, (сукун билан ўқилиши ҳам мумкин) [30; 243 б.]. Масалан, ولكل (هادي) – “Ва ҳар бир қавмнинг ҳидоятчиси бордир” “Раъд” сураси, 7-оят).

Аниқ нисбат сифатдошида жинс категориеси муҳим аҳамият касб этади. Чунки музақкар шаклидан муаннас шакл морфологик усул орқали ҳосил қилинади. Аниқловчи вазифасида келганида аниқланмишининг жинсида бўлади: فتحن أبواب السماء – “Осмон эшикларини шаррос бўлувчи сув билан очдик” (“Қамар” сураси, 11-оят). النساء صالحات – “Аёллар солиҳалардир” [31; 139 б.].

Саккокий ушбу мавзу доирасида صيغ المبالغة (“Маънони кучайтирувчи шакллар”) ҳақидаги маълумотларни қисқа, фақатгина вазнларнинг ўзини келтириш билан чекланган [1; 53 б.]. Бу шакллар бўрттириш маъносини бериш мақсадида ўзаги уч ундошли феълларнинг аниқ нисбат сифатдошининг муболагани ифодаловчи вазнларда ўзгарган шакли ҳисобланади. Кўп ҳолларда ўзаги уч ундошли зиёдали ва зиёдадан холи ўтимли феъллардан ушбу صيغ المبالغة ҳосил бўлади. Унинг вазнлари кўп бўлиб, кўп ёки оз қўлланиладиган турларга ажратиш мумкин. Кўп қўлланидиган вазнлари қуйидагилардир:

1. “Хар бир кўнлаб қасам ичувчи, пасткашга итоат қилма” (“Қалам” сураси, 10-оят). ولا تطع كل حلاف مهين – فعال
2. “Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта шукр қилувчи зотдир” (“Шуро” сураси, 23-оят). إن الله غفور شكور – فعول

Абу Толиб ибн Абдумутталиб шеъридаги:

ضروب بنصل السيف سوق سمانها إذا عدموا زادا فإنك عاقر

Унинг барвасталик бозорида қиличнинг дамини кўнлаб урувчи,

Озиқ-овқатдан маҳрум бўлганларида, албатта, сен ярадор қилгувчи.

3. “Ким рост гапни кўп айтувчи бўлса, одамлар уни мадҳ этар”. من كان مقولا للصدق مدحه الناس – مفعال

4. “Дарҳақиқат, Сен кўп эшитувчи, кўп билгувчи зотсан” (“Бақара” сураси, 127-оят). إنك أنت السميع العليم – فعيل

5. “Ишонганидан кўнлаб хавфсировчи келади (32; 2-жуз, 271-бет). من آمنه يؤتى الحذر – فعل

Юқорида келган муболагани ифодаловчи бешта вазн кўп қўлланивчи ҳисобланади.

Шундай маънони ифодаловчи вазнлар ҳам борки, улар кам қўлланилади. Булар:

1. *إنه من سليمان وإنه بسم الله الرحمن الرحيم – فعالان* – “Ҳақиқатда, у Сулаймондандир, албатта, у “Қўллаб раҳм қилгувчи, меҳрибон Аллоҳ номи биландир” (“Намл” сураси, 30-оят).

2. *حكم عمر الفاروق فعدل – فاعول* – “Қўллаб (ҳалол ва ҳаромни) ажратувчи Умар ҳукм қилди, адолат қилди”.

3. *ومكروا مكرا كبيرا – فاعال* – “ва жуда катта макр қилдилар” (“Нух” сураси, 22-оят).

4. *الصدیق أحسن الناس – فاعيل* – “Энг ҳақиқатгўй одамларнинг энг яхшисидир”.

5. *طالب الجامعة معظير – مفعيل* – “Университет талабаси кўп ҳушбўйланувчидир”.

6. *ويل لكل همزة لمزة – فُعلة* – “Ҳар бир кўллаб обрў тўкувчи, кўллаб айбловчига азоб бўлсин” (“Хумаза” сураси, 1-оят).

7. *أبو يعقوب السكاكي علامة مشهور – فعالة* – “Абу Яъқуб Саккокий машҳур алломадир” [қаранг. 5; 1-жуз, 110-бет; 25: 24-бет; 32: 2- жуз, 345-бет; 33: 5-жуз, 281- бет; 34: 3- жуз, 18-бет; 35: 5- жуз, 87- бет; 36: 24-бет].

اسم المفعول – мажҳул нисбатдаги сифатдош иш-ҳаракат унинг устида амалга оширилганини ифодалайди. Мажҳул нисбатдаги сифатдош *жосмид* феъллардан ҳосил қилинмай, барча феъллик хусусиятига эга (*تام*), ўтимли (*متعد*), ўтимсиз (*لازم*) феъллардан ҳосил қилинади. Мажҳул нисбатдаги сифатдош мавзусида Саккокий қисқа баён қилиш усулини танлаган: ҳосил қилиш йўлларига эътибор қаратиб, уч ундошли ўзак, зиёдадан холи феъллардан *مفعول* вазнида ясалишини айтади [1; 53 б.]. *أبقى إلى الفلك المشحون* – “Ўша пайтда тўлган кемага қочди”. “Соффат” сураси, 140-оят). Уч ундошли, зиёдаси бор феъллардан мажҳул нисбатдаги сифатдош ҳозирги замон шаклининг биринчи ҳарфини олиб, ўрнига *“damma” [u]* бўлган *“mīm”* ҳарфини келтириш билан ҳосил қилинади. Масалан: *فساهم فكان* – “Қўрға ташлаб бўлишди ва у мағлуб қилинганлардан бўлди” “Соффат” сураси, 141-оят).

Уч ундошли ўзак, иллатли феъллардан мажҳул нисбатдаги сифатдош ҳосил қилиш анча мунозарали ҳисобланади. Бу борада муфассил баён қилган тилишунослар: Сибавайҳи (4; 4-жуз, 348, 384, 497-бетлар), Ибн Жинний (73; 1-жуз, 287-бет), Абдуқохир Жўржоний (83; 1-жуз, 315-бет; 42; 87-бет), Умар ибн Собит [93; 387 б.], Ҳибатуллоҳ ибн Али (40; 1-жуз, 314-бет), Абдуллоҳ ибн Ҳусайнлар (41; 2-жуз, 359-бет) ҳисобланадилар. Биринчи ҳарфи иллатли феълларда ўзгариш содир бўлмагани учун Саккокий тўхталмай, ўзакнинг иккинчи ундоши иллатлиларни баён қилади. *“vāv”* иккинчи ўзак ун-

дош бўлиб келса, мажҳул нисбатдаги сифатдошда вазндаги *“vāv”* туширилиб, феълдаги *“vāv”* чўзик унли сифатида сақланиб қолади.

Ўзакнинг иккинчи ундоши *“uā”* бўлган феъллардан мажҳул нисбатдаги сифатдош ҳосил қилиш бўйича алоҳида лаҳжага асосланган икки услуб бўлиб, улар ҳижозликлар ва Бану Тамим услубларидир (5; 4-жуз, 348-бет). Саккокий ҳижозликлар услубини ёқлаган ҳолда *“uā”* билан иллатланган *باع* (ўзак ҳарфлари *ب ي ع*) – (“сотди”) феълнинг мажҳул нисбатдаги сифатдоши *مبيع* эмас, *مبيوع* (“сотилган”) деб ёзади.

Бундай бўлиш сабабини шундай изоҳлайди: “Абу Ҳасан (Сибавайҳи) аслини тушириб, сўзнинг асл ўзак ҳарфи *“uā”* эканлигини билдириш учун *“damma” [u]* (*kasra*) *ga [i]* алмаштиради”. Бану Тамим услубига кўра, вазн асл деб билиб, *مبيع* эмас, *مبيوع* бўлади. Улар *“uā”* ни иллатли ҳарф ҳисоблашмайди. Саккокий, Сибавайҳи ва бошқа Ҳижозий услуб тўғри деб билувчилар фикрларини қуйидаги оят ва бошқа оятлар билан далиллайдилар: *أم يريدون كيدا فالذين كفروا هم المكيدون* – “Балки ҳийла қилишни хоҳларлар?! Энди, кофирлар ҳийла қилганларининг жазосини тортурлар”. “Тур” сураси, 42-оят). Бу оятдаги *المكيدون* – (“ҳийла қилганлар”) *كاد* сўзи (*كيد*) – (“ҳийла қилди”) феълдан олинган мажҳул нисбатдаги сифатдошдир. Бану Тамим услубига кўра *“مكيود”* шаклида эмас. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзакнинг иккинчи ҳарфи иллатли феълларнинг мажҳул нисбатдаги сифатдоши ҳозирги замон шаклининг олдинги ҳарфини олиб, даммали *“мим”* ни келтириш орқали ҳосил қилинади. Масалан: *قال* феълнинг ҳозирги замон шакли *يقول* нинг биринчи ҳарфи ўрнига *“damma” [u]* бўлган *“mīm”* қўйилса, *مقول* бўлади. *باع* феълнинг ҳозирги замон шакли *مبيع*. Бу феълнинг мажҳул нисбатдаги сифатдоши *مبيع*.

Ўзакнинг учинчи ҳарфи иллатли феълларда ҳам *“vāv”* ва *“uā”* сабабли иккита ҳолат бор. 1. Иллатли ҳарфи *“uā”* бўлган феъллар. Бу турдаги феълларнинг мажҳул нисбатдаги сифатдошига *مفعول* вазни асос ҳисобланади. *قضى* – (“ўтказди”) феъли ушбу вазнга солинса, *مقضي* шакли ҳосил бўлади. Енгиллаштириш сабабли *“vāv”* ни *“uā”* га алмаштириб, *مقضي* шакли ҳосил бўлади. Бу шаклда иллатли ҳарф унли *تقل* – (“оғир”) бўлгани учун енгиллаштириб, иккита *“uā”* ни бирлаштириб, *مقضي* шакли ҳосил бўлади (*وكان أمرا مقضيا*) – (“Бу ҳукм қилиб бўлинган ишдир”. “Марям” сураси, 21-оят).

Ўзакнинг учинчи ундоши *“vāv”* билан иллатланган бўлса, *“uā”* каби ҳодиса қузатилиб, *“vāv”* иккилантиради, яъни *دنا* – (“яқинлашди”) феълнинг мажҳул нисбатдаги сифатдоши *مدنو* – (“яқин-

лашилган”) бўлади. Икки томонлама иллатли ва ўзакнинг иккинчи ҳарфи “vāv” бўлса, унга иллатли ҳарф сифатида қаралмайди: قوي – (“кучли бўлди”) феълнинг мажҳул нисбатдаги сифатдоши مقوي эмас, مقوي дир.

Аниқ нисбат сифатдоши билан мажҳул нисбат сифатдоши бир хил бўлиб қолган ўринлар бўлиб, уларнинг маънолари контекст орқали билинади. Маънодан келиб чиқиб, аниқ ёки мажҳул нисбат сифатдоши бўлади. Булар қуйидагилар:

1. انفعّل феъл бобининг иккита бир хил ҳарф келган шаклида: انحل – (“тарқади”) аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари منحل – (“тарқалувчи, тарқалган”).

2. افتعل феъл бобининг ўзакнинг иккинчи ундоши иллатли бўлган шаклида: اختار – (“танлади”) аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари مختار – (“танловчи, танланган”).

3. افعل, فاعل, تفاعل, افعل, افعل феъл бобларининг иккита бир хил ҳарф келган шаклларида:

حاد – (“душманлик қилди”) аниқ ва мажҳул сифатдошлари محاد – (“душманлик қилувчи, душманлик қилинган”).

تجاج – (“тортишмоқ”) аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари متجاج – (“тортишувчи, тортишилган”).

اصفر – (“сарғайди”) аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари مصفر – (“сарғайувчи, сарғайган”).

اسمار – (“тўқ бўлди” ранг ҳақида) аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари مسمار – (“тўқ бўлувчи, тўқ бўлган”).

Феълдан ясалган сифат (الصفة المشبهة). Бунинг сўзма-сўз таржимаси “ўхшатирилган сифат” деган маънони англатади. Бундай деб номланишининг сабаби унда феълнинг айрим синтактик вазифалари бор бўлганлигидадир.

Саккокий бу мавзуга анчайин мухтасар ёндашган. Бу ҳақда у: “Ўхшатирилган сифат уч ундошли ўзак, зиёдадан холи феъллардан ясаиб, жинс, сон категориясига эга аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошларидан бошқа феълдан ҳосил бўлган шакллардир,”– деб ёзган эди.

Бу ҳақда Маҳмуд Замахшарий шундай ёзган: “Ўхшатирилган сифат аслий сифатлардек бўлмайди. Аслий сифатга у жинс, сон категорияларида ўзи аниқлаб келаётган сўзга мослашиши билан ўхшашдир” [5; 184 б.].

Замахшарийнинг фикрини қуйидаги мисоллар билан қувватлаш мумкин: خَسَن – “яхши бўлди” феълдан ясалган خَسْن – “яхши”; كَرَم – “карамли бўлди” феълдан ясалган كَرِيْم – “сахий”. Бу турдаги сифатлар кўпроқ лафзий изофаларда ўзининг феълдан ўзлашган синтактик хусусиятларини на-

моён қилади. Масалан: الابن الحسن الخلق – яхши хулқли ўғил; бу бирикмадаги الحسن الخلق “яхши хулқли” лафзий изофадир).

Кўп ҳолларда мушаббаҳа сифат уч ундошли, ўтимсиз феъллардан ҳосил қилинади. Чунки бу каби феъллар ҳамма замонларда ўзидаги сифат маъносининг мустаҳкам, давомли туришини ифодалайди (عور – “ғилай бўлди”), عَمِي – (“кўр бўлди”), طال – (“узун бўлди”), قَصُر – “қисқа бўлди”). Шунинг учун зикр қилинган маънони қамраб олувчи فَعْل ва فَعْل феъл бобларидан мушаббаҳа сифат кўп ясалади. Муайян замон билан чегараланган فَعْل феъл бобидан мушаббаҳа сифат оз ясалади (33; 5-жуз, 2447-бет).

Мушаббаҳа сифат ўзининг сифатловчисидagi сифатнинг давомийлигига қараб икки хил маънони ифодалайди:

1. Сифатланувчида доимий ўзгармайдиган сифатлар: طويل – (“узун”), أَسْمَر – (“буғдойранг”), شَجَاع – (“шижоатли”), أَعْرَج – (“оқсоқ”), أَحْوَر – (“қора кўз”).

2. Маълум муддат ўтгач ўзгарувчи сифатлар: غَضَبَان – (“ғазабли”), حَيْرَان – (“хайрон”), سَكْرَان – (“маст”).

Саккокий таъкидлаганидек, ушбу сифат фақат ўзаги уч ундошли, зиёдади феъллардан ҳосил қилинади. Машҳур тилшунослардан Мустафо Ғалайний бу турдаги феъллардан мушаббаҳа сифат ҳосил қилувчи 15 та вазн борлигини айтиб, шулардан 12 таси машҳур эканлигини айтган эди (2; 1-жуз, 190-бет).

Муҳаммад Хайр فَعْل феъл бобидан иккита, فَعْل бобидан тўртта, иккита боб муштараклигида олти мушаббаҳа сифат ясовчи вазнлар борлигини қайд этади [24: 270].

Энг кўп қўлланувчи мушаббаҳа сифат ясовчи вазнлар:

1. Жисмоний камчилик ёки ранг-тусни ифодаловчи فَعْل. Қолган вазнлардан характерли жиҳати муаннас шакли فَعْلَاء эканлиги ҳамда кўплиги فَعْل вазнида ясашидир. أَرَعَن – “бефаросат”; أَخْضَر – “яшил”; أَهْيَف – “хушбичим”).

2. Тўқлик, очлик маъноларини ифодаловчи فَعْلَان. Бу вазннинг муаннас шакли فَعْلَى ҳисобланади. فَعْلَان – “тўқ”; شَبْعَى – “оч”; جَوْعَى – “жوعان”).

3. Вазни, муаннас шакли فَعْلَة бўлади. حَسَن – “яхши”; بَطْل – “каҳрамон”).

4. Вазни, муаннас шакли فَعْلَة бўлади. كَرِيمَة – “саховатли”; شَحِيحَة – “қизғанчик”).

5. Вазни, муаннас шакли فَعْلَة бўлади. صَعْب – “қийин”; ضَخْم – “улкан”).

Саккокий мушаббаҳа сифат феълдан кўп ясалгани учун: “Аниқ ва мажҳул даража сифатдошла-

ридан бошқа ҳар қандай вазнда ясалувчи, аниқлаб келаётган сўзи билан жинсда, сонда мослашувчи сифат мушаббах сифатдир”, деб айтади [1: 54].

Феълдан ясалган орттирма даражадаги сифат (اسم التفضيل) бир сифатда иккита шахс ёки предмет қиёсланиб, бири иккинчисидан ортик эканлигини ифодалаб келади. Фақат ўзаги уч ундошли, зиёда ҳарфлардан холи бўлган феъллардан ясалади. Саккокий бу ҳақда қисқача тўхталиб, айб ва рангдан бошқа маънони ифодаловчи сўзлардан ҳосил бўлишини айтади [1; 54 б.].

Замахшарий мавзуну батафсил баён қилиб, унинг қандай ясалиши, истисно ҳолатлари, сон категорияси, ҳосликларини ёзади. Бунга мисол тариқасида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин: *حَسَنٌ* – “яхши бўлди” феълдан ясалган *حَسَنٌ* – “яхши”, бу феълдан ҳосил бўлган сифатнинг орттирма даражаси *أَحْسَنٌ* – “энг яхши”дир. Ясалишига эътибор қаратилса, у даражама-даража феълга боғланыпти, яъни аввал феъл, ундан кейин мушаббаҳа сифат, охири орттирма даражадаги сифат.

Феълдан ясалган орттирма даражадаги сифат бир вазндан бошқасида ҳосил қилинмайди ва у *أَفْعَلٌ* дир (*“أنا أبأؤكم وأبناؤكم أيهم لا تدرن أبهم أقرب لكم نفعا”*) – “Оталарингиз, болаларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмассизлар”. “Нисо” сураси, 11-оят). Вазннинг жинс, сон категорияларида вариантлари бор. Муаннас шакли *فَعْلَى*; иккилик музаккар *أَفْعَلَانِ*, муаннас *فَعْلَيَانِ*; кўплик музаккар *أَفْعَالٌ*, муаннас *فَعْلَيَاتٌ*. Бу сифат феълдан ясалувчи энг кўп шаклларга эга сўз ҳисобланади.

Ягона ҳисобланган вазндан чикувчи учта сўз бўлиб, улар қиёсий ёки орттирма даража маъносида *فَعْل* вазнида келади (43; 2-жуз, 609-бет). Булар:

1. *ورزق ربك خير* – “яхшироқ, энг яхши”. *خير* – “Раббингнинг ризқи энг яхши ва энг боқийдир”. “Тоҳо” сураси, 131-оят).

2. *قال أنتم شر مكانا* – “ёмонроқ, энг ёмон”. *شر* – “Сизлар энг ёмон мартабадасиз”, – деди. “Юсуф” сураси, 77-оят).

3. *حب* – “севимлироқ, энг севимли”. Шоир Аҳвас Ансорий шеърида [44; 195 б.]:

وزادني كلفا في الحب أن منعت وحب شيء إلى الإنسان ما منعنا

У (мн.) ман қилгани менда муҳаббатнинг доғини зиёда қилди,

Инсонга энг севимли нарса унга ман қилинган ашёлардир.

Бу орттирма даражадаги сифатнинг *أَفْعَل* вазнидаги шакли ҳадис матнида келган. У шудир: *قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لا يؤمن أحدكم حتى أكون أحب إليه من والده وولده والناس أجمعين.*

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Мен сизларга отангиз, болангиз ва ҳамма

инсонлардан энг севимли бўлмагунимгача имон келтирмабди”, – дедилар” (54; 1-жуз, 38-бет).

Ибн Молик [71; 44 б.], Муҳаммад ибн Исо (74:2-жуз, 605-бет) каби олимлар орттирма даражадаги сифат ясалишига асос бўладиган феълга қуйидаги шартларни қўядилар:

1. Фарқлаш маъносини қабул қилиши.
2. Ўзакнинг уч ундошли бўлиши.
3. Тўла тусланувчи бўлиши.
4. Ёрдамчи феъл бўлмаслиги.
5. Бўлишли маънода бўлиши.
6. Аниқ нисбатда бўлиши.
7. *أَفْعَل* вазнида ҳосил бўладиган сифатга асос бўлмаслиги.

Феъл мажхул ёки бўлишсиз маънода бўлиб, қиёсланса, бу каби ҳолатларда орттирма даражадаги сифат у билан *ما* юкламаси ёрдамида боғланади. Масалан, *أفصح شيء مما علمت العلم نافعاً* – “Илмнинг фойдали эканлигини билмаслигинг энг ёмон нарсасидир”).

Феълдан ясалган орттирма даражадаги сифат гап таркибида учта шаклда учрайди:

1. “Ал” артиклидан, изофадан холи *أَفْعَلٌ مِنْ* шаклида. *“نحن أقرب إليه من حبل الوريد”* (“Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз”. “Қоф” сураси 16-оят).

2. “Ал” артикли кўшилган *أَفْعَلٌ* шаклида. *والله . أفصح شيء مما علمت العلم نافعاً* – “Ва энг юқори мисол Аллоҳникидир”. “Наҳл” сураси, 60-оят).

3. Қараткичли аниқловчи вазифасида *أَفْعَلٌ* шаклининг ўзида (*العلم أغلى غنى*) – “Илм энг қиммат бойлиқдир”).

Ўрин ва пайтни билдирувчи исмлар (أسماء المكان والزمان). Бу категория бошқа тилларда кузатилмайди. Бу ҳолда битта сўз иккита: ўрин ва пайт номларини ифодалайди. У сўз иш-ҳаракат бажарилган жой ва вақтни ифодалайди (*الصباح مسعى العباد*) – “Тонг бандаларнинг ҳаракат қиладиган пайтидир”), *– مكة مولد محمد رسول الله صلى الله عليه وسلم*, “Макка Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилган жойидир”).

Саккокий ўрин ва пайт номларини алоҳида мавзуларда ёритиб, уларнинг шаклларини келтириш билан кифояланади. Саккокий пайт номлари иллатли ҳарфлар қатнашган феъллардан (ўзакнинг биринчи ундоши иллатли феълдан бошқа) *مَفْعَلٌ* вазнида ҳосил бўлишини айтиб, *يَفْعَل* бобида бўлса ҳам ушбу вазнда ясалишини урғулайди.

Биринчи ҳарфи иллатли феълнинг ўрин ва пайт номлари *مَفْعَلٌ* вазнида ясалади. Ўзакнинг иккинчи ундоши иллатли бўлган феъл Саккокий айтган вазнда бўлиб, унда иллатли ҳарф “vāv” бўлса, “alif”га алмашади (*نام* – “ухлади” – *منام* “ухлайдиган жой ёки пайт”). Ўзакнинг иккинчи ундоши “uā”

бўлса, у сақланиб қолинади (بات – “тунади”) (асли مبيت – “тунайидиган жой ёки пайт”).

Саккокий мавзу охирида уч ва тўрт ундошли ўзаклар ва уларнинг зиёдали бобларида ўрин ва пайт номлари мажхул даража сифатдошлари вазнларидан ҳосил қилиб, улардан фарқ қилмаслигини ёзади.

Бу маълумотга эътибор қаратилса, “mīm” билан бошланадиган масдар, мажхул даража сифатдоши ва ўрин ва пайт номлари бир хил шаклда бўлиб қолади. Улар айнан қайси бири эканлиги контекстдаги маънодан билиб олинади.

Замахшарий икки мавзунини бирлаштириб, уларнинг ясаиш йўлини батафсил ёритади. Саккокий ўрин ва пайт номлари ўзаги уч ундошлиларга хос деб айтса, Замахшарий уч ундошли ўзак, тўрт ўзак ундошли ва уч ундошли ўзак зиёда шаклларида ҳам ясаишнинг мисоллар билан батафсил ёритиб беради. Иккала тилшунос ҳам مفعلة вазнида ясалган ўрин ва пайт номлари кўплик маъносини таъкидлаш учун қўлланишини айтганлар.

Араб нақлларида (араб тилшунослигида бу سماع, яъни эшитиш деб номланади) مفعيل вазнида ўрин ва пайт номлари келади. (مشرق – “қуёш чиқадиган жой ва пайт”; مغرب – “қуёш ботадиган жой ёки пайт”).

Иш қуроллари отлари (اسم الآلة) – иш-ҳаракатни у билан амалга оширишда қурол вазифаси маъносидаги сўз. Кўпинча иш қуроллари отлари уч ундошли ўзак, зиёдадан холи ўтимли феъллардан ҳосил қилинади.

Замахшарий ва Саккокий бу мавзунини ёритишда вазнларни келтириш билан чекланади. Бунинг вазнлари: مفعول، مفعلة، مفعل.

Замахшарий, Саккокий каби олимлар، مفعول، مفعلة вазнларини иш қуроллари отларининг вазнлари сифатида келтирадilar. Замонамиз олимлари қуйидаги тўрт вазнлар билан ҳам ушбу отлар ясаишини айтганлар:

1. قطار вазни لجام – (“поезд”), زناد – (“чақмоқтош”) каби сўзлар.
2. طائرة вазни ثلاجة – (“самолёт”), سيارة – (“машина”) каби сўзлар.
3. قاطرة вазни شاحنة – (“шатакка олувчи”), رافعة – (“юк вағони”), رافعة – (“ричаг”) каби сўзлар.
4. طاحون вазни ماعون – (“тегирмон”), بارجا، يوك كعاسي – (“баржа, юк кемаси”) каби сўзлар [24; 310 б.].

Иш қуроллари отларини маъно хусусиятларига қараб уч турга бўлиш мумкин:

1. Ўтимли феълдан ясалган иш қуроллари отлари феълдан англашилган иш-ҳаракатни амалга оширувчи қуролни ифодалайди (نشر – “арралади”; منشار – “аппа”).

2. Ўтимсиз феълдан ясалган иш қуроллари отлари иш-ҳаракатни амалга оширишга имконияти бор нарсаларни ифодалайди (صعد – “қўтарилди”; مصعد – “лифт”).

3. Тўб отлардан ясаиш, шу отга хос предметни ифодалайди (قلم – “қалам”; مقلمة – “қаламдон”).

Феълдан ҳосил бўлувчи сўзлардан биринчи бўлиб ёритилаётгани масдар морфологик жиҳатдан анчайин мураккаб ҳисоблангани учун ҳам олим биринчи фаслда баён қилди. Масдар ўзида вазн шакллари кўплиги билан қолган ясалувчи сўзлардан ажралиб туради. У ўзидаги ундошларга қараб, турли шаклларга эга бўлиши батафсил ёритилди. Уч ундошли ўзак, зиёдадан холи феълларнинг тўрт ўзак ундошли, зиёдадан холи феъллардан энг катта фарқли жиҳати масдар вазнларининг кўплиги ва маълум қоидалар доирасида эмаслигидир. Бунга асос ушбу тилга хос бўлган билиш манбаларидан бири سماع – (“эшитиш”) ҳисобланади. Феъл англаган маъноларга қараб олимлар томонидан баъзи вазнлар белгиланган. Шунингдек, ушбу феъл бобида биринчи ўзак ҳарфи иллатли бўлган феълнинг масдар шаклларида ушбу ҳарф тушириб қолдирилиши кузатилади. Тўрт ўзак ундошли, зиёдадан холи бўлган феъл масдарларининг аниқ вазнлари бўлиб, бунда мураккаблик кузатилмайди. Бу борада Саккокий характерли вазнлар ҳақида маълумотлар келтирган.

Масдар семантик жиҳатдан турларга бўлиниши қолган феълдан ясалувчи сўзлардан ажралиб турадиган жиҳатларидан ҳисобланиб, морфологик жиҳатдан бўлиниши эса, унинг қолган сўзлардан характерли эканлигини кўрсатиб келади. Зиёда ҳарф қўшилган феъл бобларининг масдар шакллари аниқ бўлганлиги қулайлик ҳисобланиб, мураккаблик жиҳати эса, ясаиш жараёнида عوض – (“эваз”), قلب – (“алмашиш”), فك الإدغام – (“идғом ёйилиши”) каби ҳодисалар кузатилишидир. Шунингдек, олим томонидан “hamza” ҳарфининг икки турини ажратиш олиш учун муҳим маълумот келтирилиши имлода чалкашлик ёки хатолик бўлишининг олдини олади. Саккокий феъл бобларининг масдар вазнларини ёзиб, камдан-кам манбаларда учровчи нодир вазнларни ҳам келтириб ўтади. Бу тилшуноснинг илм доираси чуқур эканлигидан дарақ беради.

Феълдан ҳосил бўлувчи сўзлар ўртасида отлашиш жараёни кўп кузатиладиган сўз аниқ нисбат сифатдоши ҳисобланиб, ҳамма феъл бобларида аниқ вазнлар асосида ҳосил қилинади. Иллатли ҳарфи бор феълларнинг аниқ нисбат сифатдошида حذف – (“тушириш”), قلب – (“алмашиш”), انتثقال – (“унлилар ҳарфи иллатга оғирлик қилиши”) каби ҳодисалар кузатилиши алоҳида эътибор қаратила-

диган ҳодисадир. Шунингдек, аниқ нисбат сифатдошининг вазнлари бўрттириш маъносини ҳам бериши ўзига хос жиҳатлардан ҳисобланади. Қолган феълдан ҳосил бўлувчи сўзларда кузатилмайдиган ҳолат жинс категорияси аниқ нисбат сифатдошида кузатилади. Ҳар бир феълдан аниқ нисбат сифатдоши ҳосил қилинмаслиги феълнинг семантик хусусиятларига боғлиқдир.

Мажхул нисбатдаги сифатдош, мушаббаҳа сифат, иш қуроллари отлари, ортторма даражадаги сифат, ўрин ва пайтни билдирувчи исмларда ҳам юқоридаги каби фонетик-морфологик ўзгаришлар кузатилади. Бир-бирига ўхшаб қолган ўринларда контекстдаги маъно орқали фарқлаб олинади. Феълдан юқоридаги сўзларнинг ҳосил қилиниши араб тилида унинг алоҳида сўз туркуми сифатида шаклланишида катта ўрин тутати.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. لاماام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم. - القاهرة. دار التوفيقية. 2008. صفحة 395.
2. العلامة محمود بن عمر الزمخشري. تحقيق الشربيني شريدة. المفصل في صنعة الاعراب. - القاهرة. دار الحديث. 2013. صفحة 395.
3. حسان بن عبد الله. الواضح في الصرف. - الرياض. جامعة الملك سعود. صفحة 279.
4. أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق وشرح عبد السلام محمد هارون. كتاب سيبويه. الجزء الرابع. - بيروت. دار الجيل. صفحة 494.
5. ابن السراج. تحقيق الدكتور عبد الحسين الفتلي. الأصول في النحو. الجزء الثالث. - بيروت. مؤسسة الرسالة. 1405هـ. صفحة 445.
6. أبو القاسم الزجاجي. تحقيق الدكتور علي توفيق الحمد. الجمل. في النحو. - بيروت. مؤسسة الرسالة. 1408هـ. صفحة 523.
7. علي بن إسماعيل بن سيده. المخصص. الجزء الرابع عشر. - بيروت. دار الفكر. 1348هـ. صفحة 266.
8. أبو عبد الله محمد بن أبي الوفاء الموصلي. المعروف بابن القبيصي. تحقيق الدكتور محسن سالم العميري. التتمة في التصريف. - جدة. نشر نادي مكة الثقافي الأدبي. 1414هـ. صفحة 332.
9. يعيش بن علي بن يعيش. شرح المفصل. الجزء الثاني. - القاهرة. تصوير مكتبة المتنبي. صفحة 160.
10. ابن عصفور. تحقيق أحمد عبد الستار الجوّاري وعبد الله الجبوري. المقرب. الجزء الثاني. - بغداد. مطبعة العاني. 1391هـ. صفحة 256.
11. محمد بن مالك. تحقيق الدكتور عبد المنعم أحمد. شرح عمدة الحافظ وعدة اللافت. الجزء الثاني. - القاهرة. مطبعة الأمانة. 1985م. صفحة 806.
12. جمال الدين عثمان بن عمر. تحقيق الدكتور صالح عبد العظيم. كتاب الكافية في علم النحو والشافية في علمي الصرف والخط. - القاهرة. مكتبة الآداب. 2010م. صفحة 124.

13. أبو حيان الأندلسي. تحقيق الدكتور رجب عثمان محمد. ارتشاف الضرب من لسان العرب. الجزء الثاني. - القاهرة. مطبعة المدني. 1418هـ. صفحة 623.
14. بهاء الدين بن عقيل. تحقيق الدكتور محمد كامل. المساعد. على تسهيل الفوائد. الجزء الثاني. - دمشق. دار الفكر. 1400هـ. صفحة 815.
15. جلال الدين السيوطي. تحقيق عبد العال سالم مكرم. همع الهوامع في شرح جمع الجوامع. الجزء الثاني. - الكويت. دار البحوث العلمية. 1400هـ. صفحة 432.
16. نجم الدين الرضي. تصحيح وتعليق يوسف حسن عمر. شرح الرضي على الكافية. الجزء الثالث. - بيروت. مطابع الشروق. صفحة 471.
17. محمد بن مالك. تحقيق محمد كامل. تسهيل الفوائد وتكميل المقاصد. دار الكاتب العربي. 1967م. صفحة 534.
18. عبد الله بن علي بن إسحاق الصيمري. تحقيق الدكتور فتحي أحمد مصطفى علي الدين. التبصرة والتذكرة. الجزء الثاني. - مكة المكرمة. نشر البحوث العلمي. 1402هـ. صفحة 538.
19. أبو عيسى محمد بن عيسى بن سورة الترمذي. تحقيق أحمد محمد شاكر. سنن الترمذي المسمى بالجامع الصحيح. الجزء الرابع. - بيروت. دار إحياء التراث العربي. صفحة 354.
20. أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق وشرح عبد السلام محمد هارون. كتاب سيبويه. الجزء الأول. - بيروت. دار الجيل. صفحة 446.
21. الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. الجزء الأول. بيروت. مؤسسة الرسالة. 2010م. صفحة 204.
22. الأستاذ راجي الأسمر. المعجم المفصل في علم الصرف. - بيروت. دار الكتب العلمية. 1997م. صفحة 637.
23. جمال الدين بن هشام الأنصاري. قطر الندى وبل الصدى. - المدينة المنورة. مكتبة طيبة. 1990م. صفحة 352.
24. حسين بن أحمد بن خالويه. تحقيق أحمد عبد الغفور عطار. ليس في كلام العرب. - مكة المكرمة. الطبعة الثانية. 1399هـ. صفحة 599.
25. أحمد بن محمد الميداني. نزهة الطرف في علم الصرف. - بيروت. دار الأفاق الجديدة. 1401هـ. صفحة 127.
26. أبو عثمان سعيد بن محمد المعافري السرقسطي. تحقيق حسين محمد شرف. كتاب الأفعال. الجزء الأول. القاهرة. الهيئة العامة لشئون المطابع الأميرية. 1975 م. صفحة 524.
27. أبو إسحاق إبراهيم بن موسى الشاطبي. المقاصد الشافية في شرح الخلاصة الكافية. الجزء الرابع. - نشر معهد البحوث العلمية بجامعة أم القرى. 2007م. صفحة 699.
28. أبو علي الفارسي. تحقيق الدكتور حسن شاذلي فرهود. التكملة. الجزء الأول. - الرياض. نشر جامعة الرياض. 1981م. صفحة 321.
29. بهاء الدين بن عقيل. تحقيق الدكتور محمد كامل. المساعد. على تسهيل الفوائد. الجزء الرابع. - دمشق. دار الفكر. 1982م. صفحة 454.
30. أبو بكر الأنباري. تحقيق محيي الدين عبد الرحمن رمضان. كتاب إيضاح الوقف والابتداء في كتاب الله عز وجل. - دمشق. نشر مجمع اللغة العربية. 1971م. صفحة 1199.

31. أبو بكر محمد بن القاسم الأنباري. تحقيق الدكتور محمد عبد الخالق. المذكر والمؤنث. الجزء الأول. - القاهرة. 1981م. صفحة 607.
32. هبة الله بن علي بن الشجري. تحقيق الدكتور محمود محمد. أمالي ابن الشجري. الجزء الثاني. - القاهرة. مطبعة المدني. 1992م. صفحة 617.
33. أبو حيان الأندلسي. تحقيق الدكتور رجب عثمان محمد. ارتشاف الضرب من لسان العرب. الجزء الخامس. - القاهرة. مطبعة المدني. 1998م. صفحة 2677.
34. ابن أم قاسم المرادي المحقق الدكتور عبد الرحمن علي سليمان. توضيح المقاصد والمسالك بشرح ألفية ابن مالك. - القاهرة. دار الفكر العربي. 2001م. صفحة 1703.
35. جلال الدين السيوطي. تحقيق عبد العال سالم مكرم. همع الهوامع في شرح جمع الجوامع. الجزء الخامس. - الكويت. دار البحوث العلمية. 1979م. صفحة 357.
36. عبد الله بن أحمد الفاكهي. تحقيق الدكتور أحمد الدميري. شرح الحدود النحوية. - القاهرة. دار التضامن. 1988م. صفحة 343.
37. أبو الفتح عثمان بن جني. تحقيق إبراهيم مصطفى وعبد الله أمين. المنصف شرح كتاب التصريف للمازني. الجزء الأول. - مطبعة مصطفى البابي الحلبي. 1954م. صفحة 497.
38. عبد القاهر الجرجاني. تحقيق الدكتور كاظم بحر المرجان. المقتصد في شرح الإيضاح. الجزء الثاني. - عمان. المطبعة الوطنية. 1982م. صفحة 1283.
39. عمر بن ثابت الثماني. تحقيق الدكتور إبراهيم بن سليمان. شرح التصريف. - الرياض. نشر مكتبة الرشد. 1999م. صفحة 655.
40. هبة الله بن علي بن الشجري. تحقيق الدكتور محمود محمد. أمالي ابن الشجري. الجزء الأول. - القاهرة. مطبعة المدني. 1992م. صفحة 435.
41. أبو البقاء عبد الله بن الحسين العكبري. تحقيق غازي مختار طليمات والدكتور عبد الإله نبهان. اللباب في علل البناء والإعراب. الجزء الأول. - دمشق. دار الفكر. 2001م. صفحة 1184.
42. للدكتور محمد خير حلواني. المغني الجديد في علم الصرف. - بيروت. دار الشرق العربي. صفحة 445.
43. محمد بن عيسى السلسلي. تحقيق عبد الله البركاتي. شفاء العليل في إيضاح التسهيل. الجزء الأول. - مكة المكرمة. المكتبة الفيصلية. 1406هـ. صفحة 536.
44. عادل سليمان جمال. ديوان الأحوص الأنصاري. - القاهرة. مطبعة المدني. 1990م. صفحة 423.
45. محمد بن إسماعيل البخاري. المختصر المسند من أمور رسول الله صلى الله عليه وسلم وسننه وأيامه. المجلد الأول. - بيروت. دار قرطبة. 2012م. صفحة 814.
46. محمد بن عيسى السلسلي. تحقيق عبد الله البركاتي. شفاء العليل في إيضاح التسهيل. الجزء الثاني. - مكة المكرمة. المكتبة الفيصلية. 1406هـ. صفحة 1114.
47. جلال الدين السيوطي. تحقيق عبد العال سالم مكرم. همع الهوامع في شرح جمع الجوامع. الجزء السادس. - الكويت. دار البحوث العلمية. 1980م. صفحة 349.